

**Бегамов Мухридин Камолиддин ўғли**

*Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси*

**Маллаев Нормамат Рамазонович**

*Термиз давлат университети Давлат ва ҳуқуқ  
назарияси ва тарихи кафедраси мудири, ю.ф.н., доц.*

**Аннотация:** Тадбиркорлик ва бозор иқтисодиёти эҳтиёжлари жадал ривожланиб бораётган айни даврда ҳуқуқий соҳа вакилларига қўйилаётган талаблар ҳам жаҳон миқёсида ўзгармоқда. Тобора глобаллашаётган бозор иқтисодиёти шароитида жисмоний ҳамда юридик шахслар кенг қамровли тажрибага эга замонавий юристларни талаб қўлмоқдалар. Йирик корпорациялар ўз стратегик вазифаларини амалга оширишида юридик соҳа вакилларидан юқори даражадаги ҳуқуқий саводхонлик, корпоратив кўнкималар ва юқори сифатли технологияларни профессионал даражада ўзлаштиришини талаб қилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ушбу ўзгаришлар бизни юридик хизматларнинг моҳиятини қайта кўриб чиқишга – янгидан тасаввурга эга бўлишга чақиради. Юридик соҳа мижозлари бугун ва келгуси ўн йилликларда юридик мутахассислар сифатида биздан нима (лар)ни талаб қиласиди? Юристларни қандай ўзгаришлар кутмоқда? Ушбу мақолада шу каби саволларга жавоб беришга ҳаракат қиласиз.

**Калит сўзлар:** юридик хизматлар, даромадни оширувчи драйверлар, юридик таълим ва соҳа, истеъмолчи талаб стандартлари, корпоратив юристлар, юридик технологиялар, сунъий интеллект, технология ва инновация, фрилансерлик, УМО.

Маълумки, ҳозирги вақтда ҳуқуқ соҳаси вакилларининг асосий вазифалари шахсларни ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлиб, келажакда ҳам бу вазифалар моҳиятан шундай тарзда қоладими, деган савол туғилиши табиий. Ҳуқуқий соҳанинг кўплаб олимлари ва мутахассисларининг фикрига қўра, яқин келажакда юридик хизматлар нафақат жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, балки тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали даромадни оширувчи драйверларига ҳам айланиши мумкин. Яқин келажакда корхона ва компаниялар юристларга нисбатан “қонунлар мажмуи” сифатида эмас, балки улар келтирадиган фойда қийматидан келиб чиқсан ҳолда компания даромадларини оширувчи шахслар сифатида мурожаат қилишлари муқаррар фактга айланиб бормоқда. Чунки юридик хизматлар нафақат ташкилотга ҳаражатлар ва хавфларни камайтиришга ёрдам беради (масалан, суд жараёнлари ва форс-мажор рискларни олдини олиш), балки улар ишлаб чиқаришда даромадларни ўлчайдиган асосий фаолият қўрсаткичлари билан ҳам ўлчаниши мумкин.

Юридик соҳа вакилларини яқин келажакда қандай ўзгаришлар кутаётгани ҳақидаги фикрлар бугунги кунда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий аҳамият касб этмоқда. Хўш, халқаро глобаллашув жараёнида ҳуқуқий таълим ва соҳанинг асосий

мослашувчан ўзгаришлари қандай бўлиши мумкин? Халқаро ҳукуқий интеграция муқаррар ҳақиқатми? Бундай саволларга керакли жавоб олиш ва келажакдаги ўзгаришларга тайёр бўлиш учун биз юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий ўзгаришларни ҳисобга олишимиз лозим. Ўрганишлардан келиб чиқсан ҳолда, қўйидаги ўзгаришлар ҳозирда юридик соҳада рўй бераётганини кўришимиз мумкин.

### АСОСИЙ ЎЗГАРИШЛАР

- Юридик хизматлар истеъмолчилари талаб стандартларини оширишмоқда ва рақобат кучаймоқда;

- Юридик хизматларнинг янги турлари кўпаймоқда;

- Корпоратив юристлар бир қатор ўзгаришларни бошдан кечирмоқда, мижозларга ҳар томонлама йўналтирилган хизматларни ишлаб чиқишмоқда, шу жумладан юридик технологиялардан фойдаланиш, бизнес жараёнларини қайта лойиҳалаш ва харажатларни назорат қилиш каби қўшимча функцияларни ўзлаштироқдалар;

- Маданий ўзгаришлар, истеъмолчилар босими ва арzon нархлар ҳукуқий технологиялардан фойдаланишнинг янада кўпайишига олиб келмоқда;

- Технологик тараққиёт билан бирга янги касбларнинг пайдо бўлиши ва айrim юридик хизматларнинг автоматлаштирилиши ҳукуқий соҳани тубдан такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

- Сунъий интеллектнинг ривожланиши ҳукуқий фаолият соҳаларида, айниқса тергов ва кўрсатмалар олиш жараёнларида ахлоқий ва тартибга солиш муаммоларини келтириб чиқариши мумкин;

- Одил судловга эришишда технология ва инновацияларнинг роли кескин ортиб бормоқда. Айни пайтда рақамли юридик маълумотлар базасига катта эҳтиёж туғилиши табиий;

- Келажакнинг ҳукуқшунос битирувчиси бир қатор янги кўникма ва билимларга муҳтожлиги амалиётда кўзга ташланмоқда;

- Ривожланаётган турли хил мослашувчан иш тартиблари (масалан, фрилансерлик) амалиётга кириб келмоқда;

- Глобаллашув ва халқаро муносабатлар ҳукуқшунослар учун яхши имкониятлар яратсада, бир қатор қийинчиликларни ҳам келтириб чиқаради. Глобаллашув ички қонунчилик ислохотини қийинлаштироқда;

- Инновациялар ва истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва талабларидаги ўзгаришлар юристлар учун янги турдаги амалиётларнинг ривожланишига туртки бўлмоқда.

Юқоридаги ўзгаришлардан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги тавсияларни таклиф этамиз

### ТАВСИЯЛАР

- Ҳукуқий таълим соҳасида туб ислоҳотлар амалга ошириш, бўлажак ҳукуқшуносларни янги иш услублари ва амалиётларига тайёрлаш орқали таълимни олиб бориш лозим;

- Ўзгаришларни тадқиқ қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида хуқуқий инновацион лойиҳалар марказини ташкил этиш кун талабига айланмоқда;
- Хуқуқшунослар учун технологик инновациялардан тўлиқ фойдаланишда малакаларини ошириш учун технологик инкубатор ташкил этиш зарур;
- Жамиятга хуқуқий ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг хуқуқий маданиятини ошириш мақсадида хар йили давлат ҳомийлигида ўтказиладиган хуқуқий ярмаркаларни ташкил этиш лозим;
- Жамиятга беғараз хуқуқий ёрдам кўрсатиш учун тегишли маблагни давлат-хусусий шерикчилик асосида шакллантириш ҳамда янги хуқуқий ёрдам марказларини ташкил этиш лозим;
- Ёш хуқуқшунослар ўзгаришларни амалиётда пухта ўзлаштиришлари ва уларни ўз амалиётига татбик этиш механизmlарини ишлаб чиқиш зарур;
- Халқаро хусусий хуқуқ соҳасидаги амалий мавзуларда УМО (узлуксиз малака ошириш) ни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро кейслар билан боғлаган ҳолда олий ўқув юртларида юридик таълимнинг янги ўқитиш усулларини жорий этиш лозим;
- Турли хилликни рағбатлантириш ва мослашувчан иш тартибининг таъсирини янада кенгайтириш лозим;
- Трансчегаравий низоларга таъсир қилувчи қонунлар бўйича янги дарсликлар ишлаб чиқиш лозим;
- Онлайн хуқуқий хужжатларнинг самарадорлигини ўрганиш ва хуқуқий ахборотни тартибга солиш кўнимкамларини шакллантириш марказларини жорий этиш лозим;
- Юристлар учун тадбиркорлар ва ишбилармонликка оид дарслик ва қўлланма лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва таълимга жорий этиш шарт.

## ИҚТИБОСЛАР:

1. Muhiddinova, F. (2020) Yangi O'zbekistonning kelajak yoshlari: imkoniyat va huquqiy kafolat, <https://yuz.uz>. Available at: <https://yuz.uz/uz/news/yangi-ozbekistonning-kelajak-yoshlari-imkoniyat-va-huquqiy-kafolat> (Accessed: November 3, 2022).
2. Andrew Abbott, 1988, The System of Professions: An Essay on the Division of Expert Labor. University of Chicago Press.
3. John Flood, 2015, Global Challenges for Legal Education: Competing for the World's Law Students, 24 Nottingham Law Journal 79-93.
4. 10 predictions: The Legal Function in 2025 (no date) KPMG. Available at: <https://home.kpmg/xx/en/home/insights/2020/12/future-of-legal-article-series.html> (Accessed: November 3, 2022).
5. The future of the legal profession (2015) Begley Law Group. Available at: <https://www.begleylawgroup.com/2015/08/the-future-of-the-legal-profession/> (Accessed: November 3, 2022).

6. John Flood, 2018a, Professions and Professional Service Firms in a Global Context: Reframing Narratives, in Professions and Professional Service Firms: Private and Public Sector Enterprises in the Global Economy 26-45 (eds) M Saks & D Muzio, Routledge.